



СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1974 йил 21 июндан ЧИҚА БОШЛАГАН 24 август 1974 йил, шанба № 197 (15.977). Баҳоси 2 тийин.




ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЛТИН ТҮЙИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида ҚҮРҒОНТЕПА ПАХТА ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ХАТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети таъкидлайдики, Қўрғонтепа пахта заводининг коллективи мавжуд резерва ва имкониятлардан фойдаланиб, кейинги йилларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириши...

пахтанинг юқори сифатли бўлишини таъминлашда, уни тўла саклашга, ўз вақтида қайта ишлашга ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга даъват этди.



Янгиқўрғон районидagi Навоий номидаги колхозда ҳар туғи гўза серхосил бўлиб ўсмоқда. Пахтакорлар гектаридан 45 центнердан ҳосил еттиштириш учун сўз берганлар. Колхозда гўза парвариши ҳар томонлама кучайтирилмоқда. Суратларда: А. Тўраев фотоси.

ФИНЛЯНДИЯ ВА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ШАҲАРДАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ УЧИНЧИ УЧРАШУВИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ўз ҳамоқдорларининг муҳим проблемаларини муҳокама қилиш, шаҳарларни ривожлантиришнинг муҳим масалаларини ҳал этишдаги тажрибани алмашиш учун Финляндия ва Совет Иттифоқи биродарлашган шаҳарлари вакиллариининг Теллин шаҳрига тўплаган учинчи учрашуви ишроқчиларини самимий табриклимади.

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ РУМИНИЯДА БЎЛИШИ

БУХАРЕСТ, 22 август. (ТАСС). Совет партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сивий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 21 августда Бухарестда Руминия Коммунистик партияси Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Президенти Н. Чаушеску билан учрашди.

БУХАРЕСТ, 22 август. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитети Сивий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси ҳақ ва Ваган овозлашган учун курашган ҳақдорларни ёдгорлиги ёнига ҳамда румин халқининг бахтли келажак учун ўз давлатини қурбон қилган халқининг энг яхши фарзандлари жасоратли хотираси учун ўрнатилган Ваган қаҳрамонлари монументи ёнига бугун гулчамбарлар қўйди.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

БУХАРЕСТ, 23 август. (ТАСС махсус мухбири). Руминия халқи мамлакат фашист зулмидан озод этилганлигининг 30 йиллигини тантанали суратда нишонлади. Бугун Руминия Социалистик Республикаси пойтахтида катта ҳарбий парад ва меҳнатшароитининг байрам намойиши бўлиб ўтди.

ДОН-ДАВЛАТГА

Table with 4 columns: Location, Don contribution, State contribution, Total. Includes locations like Samarkand, Surkhondaryo, Farg'ona, etc.

ЎЗБЕКИСТОН ИНДУСТРИЯСИНИНГ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноат корхоналарининг коллективлари тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи, белгилловчи йили планини барвақт бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоқ ёйдириб ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик юбилейини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик қўриб, маҳсулот реализация этиши ва бир қанча маҳсулотлар ишлаб чиқариш саккиз ойлик планини барвақт, 23 августда бажардилар. Ой охиригача 230 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация этилади.

БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

Жиззах областида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон кесаба союзулари республика Совети ва Ўзбекистон комсомолы Марказий Комитетининг кўмаки билан байроқ топширилди. Областининг саноат, ку-

торнал ахлит давлат сифатида яшашини дарҳаққат таъминлаган ва кипрлик греклар билан кипрлик туркларнинг манфаатларига мос келадиган бўлиб эди.

Маълумки, БМТ Уставига Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлиши давлатлар зиммасига ҳалқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш борасида алоҳида масъулият юклаган. Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари қабул қилинган қарорларнинг тўла амалга оширилишини таъминлаш учун зарур имкониятларга эгадирлар. Шу давлатлар Кипр республикасининг мустақиллиги, суверенитети ва территориял барқарорлигидаги таъминлаш вазифасида тегишли самарали гарантлар Кипрга бағишлаган ҳалқаро конференция қарорларининг бажарилишига гарантлар бера олган бўлиб эдилар. Шундай конференция мақорилиши кераклиги тўғрисидаги тақдирларни доимий аъзолар қўллаб-қувватлашлари ушбу муҳим халқаро тadbир амалга оширилишини тезлаштирган, унинг муваффақиятига кўмак берган бўлиб эди.

Кипрдаги воқеалар тинчлик ва хавфсизлик манфаатларининг қадрига етувчи ҳамда давлатларнинг масъулиятини ва ижобий ҳаракат қилишларини таъқозо этади. Кипр республикасининг мустақиллиги, суверенитети ва территориял бутунлиги тинчликнинг лозими. Шарқий Урта Денгиз ройонида ҳарбий кескинлик учоғи туғилмоқчи керак. Совет Иттифоқи эса бундан буюн ҳам шу йўлда актив ҳаракат қилмаверади.

АНДИЖОН ОБЛАСТИДАГИ ҚҮРҒОНТЕПА ПАХТА ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ РЕСПУБЛИКА ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ БАРЧА ХОДИМЛАРИГА, МАШИНАСОЗЛАРГА ВА ПАХТАКОРЛАРГА

Х А Т И

Азиз ўртоқлар! Бутун совет халқи сизгари Қўрғонтепа пахта заводининг коллективини ҳам КПСС Марказий Комитетининг ҳамда Руминия Социалистик Республикасининг қўллаб-қувватлаб, социалистик мусобақани кенг авж олдириб, партия XXIV съездининг ва КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумининг беш йиллигининг тўртинчи, белгилловчи йил топшириқларини бажариш юзасидан қарорларини амалга ошириш соҳасида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик қўриб, Бутун иттифоқ социалистик мусобақасида кўшилиб, беш йилликнинг тўрт биттининг республикаманинг «олтин юбилейи» қўнигача бажариш мажбуриятини олди.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Кипр ва унинг таваригадаги аҳвол ҳамон ташвишли бўлиб турибди. НАТО милитарист доиралари блокларга қўшилмаслик сивасини ўтказиб келётган мустақил ва суверен давлат сифатидаги Кипр республикасини тугатди, уни бўлиб ташлашга, Кипр территориясини НАТО блокнинг Шарқий Урта денгиздаги таъниқ пунктига айлантиришга уринишларини тўхтатмаётдилар. Империялик кучлар Кипр халқига қарши жоний найрағ олиб бормоқда, ҳалқаро ҳуқуқ ва БМТ устави пайом эстан ҳолда ниҳоятда жиддат востанларни ишга соллаштиради. Исэн, қўпол ҳарбий аралашуви билан бирга Кипр халқидан пинҳона равишда ва унинг манфаатларига зид келувчи ташқи дипломатик найрағлар ўтказилмоқда.

Хавфсизлик Кенгашининг Кипр республикасига қарши ажабий ҳарбий интервенцияни дарҳол тўхтатиш, Кипр территориясини чет эл қўшинларини олиб чиқиб кетиши ва Кипрда конституцион тартиботларни тиклаш тўғрисидаги қарорларни бажарилмай қолаяпти. Чет эл қўшинлари Кипрдан олиб чиқиб кетилиши билан ёқда турсин, аксинча, улар тобора кўпайтириб боришмоқда. Кипрдаги воқеалар учун бевосита жавобгар мамлакатлар давлат арбобларининг Хавфсизлик Кенгаши қарорларини амалга ошириш ниятлари тўғрисида неча бор берган баёнотлари конкрет иш билан мустақамланмаётди.





